


Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида Қўрлисой деган, ўнбеш километрга қўзилган яёққ сойлик бор. Эҳтимол, қадим замонларда у улғур бир дарёнинг ўзани бўлгандир. Ҳарқалай, Қўрлисойликлар шундай деб ўйлашади. Ҳозирги кунда эса сойликнинг қоқ ўртасидан бир дарёча оқади. Дарёча атрофи кетакеттуна тоқзорлар. Соё ёққасидоги адирларда қатор хўжаликлар, қишлоқлар жойлашган. Уларнинг тирикчилиги шу сойдаги тоқзорлар, адирлардаги галзорлар ҳосили билан кечади. Хуллас, бу соё бекорга Қўрлисой эмас. У чиндан ҳам шу атрофдаги элнинг ризқи-рўзи сочилган бир маскан.



Қўрлисойликларнинг бутун тирикчилиги, меҳнати табиатта, об-ҳавога боғлиқ бўлганлиги унун табиатнинг асл, бош байрами — Наврўзга ҳам астойдил эътиқод қўйишган. Унга даярли сиринишади. Наврўзи сунони, яёраб қўтиб олишади, тўйиб-мириқиб байрам қилишади.

Бу ерда Наврўз қадимдан нишонланган келинади. Уни «Йилбоши» дейишади. Яъни, янги йил байрами. Ҳатто бу байрамни эскилик, чиркин урф-одат деб мамонт қўлинган яёраб шуро замонидан ҳам Қўрлисойда Наврўз Наврўз бўлиб қолди. Айрим воқеаларни ҳали ҳам эслашади. Бир Наврўз арафасида уюстка милиционер кечқурун қишлоқ қайовчилари хонадонларига кириб: «Шу Наврўзи ўтказмайлик, райондаги эскилик дейишяпти», деб ўтинибди. Лекин эртасига Қўрлисой адирларида байрам авжга чиққанда,

қишлоқ қариялари уйдан чиқолмай ўтирган милиса йилгитни ортдан одам қорибди, байрамга олиб келишибди.

— Уйлама, болам, сенинг ҳеч бир айбонг йўқ. Райондагилар сенга топшириқ қилишган. Сен эса бизга уларнинг топшириқини етказдинг. Тамом! Энди биз билан Наврўзи бирга байрам қил. Уйидагидо қамалиб ўтирган билан хотиннинг эғиз тўймайди. — дебди қариялардан бири.

Милиса йилгит ҳам ота-боболари байрам қилган Наврўзи қўрлисойликлар аросатда қолдирмаслигини яъни биларди. «Нима бўлса, бўлди» деб у ҳам адирга чиқиб, байрам сайилларида охиригача қатнашибди.

Кейинги бир Наврўзда «райком»нинг ўзи Қўрлисойга равона бўлибди. Лекин адирдаги катта сайилни кўриб, элнинг қошига боришга журъат қилмабди. Халқ ҳам уни «тушунди».

Хуллас, Наврўз Қўрлисойда ҳеч қачон унутилмаган.

Қўрлисойда «Эртага байрам» деган мўжда ёш қари, эркак аёлнинг тинчлиги олиб қўйди. Хар бир оилада «эрта Наврўз» деган кун тун бўйи тиним билмай тайёргарлик қўрилади. Исмаилоқ, ялғизи кўк сомсалар, сунилик қўқ-сўққ, овқатлари пишириб, тайёрлаб чиқилади. Барча сатй-ҳаракатлар битта эзу ниёти қаратилади: Наврўз бу элта қалғандан мамун бўлсин, уни яёраб-қўлиб, бор нарсаларини яъмасдан бағишлаб, қарияларнинг дуояларини олиб байрам қилишлари керак. Бу тушунча — қўрлисойликлар онгидо қаттиқ ўрнашган.

Байрам куни эрталабдан йилгит-қизлар, болалар оғда, эшакда, велосипедда, мотоциклларда адирга гилам, кигиз-намат, кўрга-тўшаклар, идишларда ёгулик овқатларни, дастурхонларга ўроқлиқ тишлоқларни ташибдилар. Адирда байрам ўтказилиши белгиланган жойда қишлоқларнинг қайовчилари ишни бошқаради — қар-

Ён гафтардан

заңд тўйлари қилишяпти. Хоризга тижоратга ҳам бориб келишяпти... Қўрлисойликлар дуонинг қучига ишонилгани «ча бир нарса билан исботласа бўлади. Соё атрофидаги хўжаликлар йиллик ҳисобот йиллиқларини идораларда, мажлисларда ўтказишмайдилар. Балки хар йили Наврўз байрами кун, адирда эл йилгитини қўрлисойнинг масалалари ҳам муҳокама қилинади. Одамлар дилида бор фикрини айтишади. Раҳбарлар элнинг фикрини чиқариб эшитишади. Шу байрам куни қишлоқ оқсоқоллари, хўжаликларнинг бригадирлари, хатто подчалар ҳам қайта сайландилар. Одамлар уларни минг чиркидан ўтказишиб, вазифаларига тайин этади. Адирда «йиллик ҳисобот» тўғрача, хўжалик раҳбари қарияларга мурожат қилади.

— Қани, оқсоқоллар, йил бошида турибмиз. Мана, янги «оствачни» ҳам сайлаб бердиларинг, энди ишимизга бир оқ фотуха ҳам беринглар.

Қариялар дуога қўл кўтаришади, хўжаликнинг ишига, одамларнинг меҳнатига Наврўзнинг нафаси эш бўлишини Худодан сўрайдилар. Эл отасини алқайдилар, яна адирлар ўра «Омин, Оллоху акбар!» деган фотухалар жаранглатади. Уни замини осмон тинглайди, борлиқ яъни ниятларга гувоҳ бўлади.

Қўрлисойликлар Наврўз дуоялари билан 2000 йилни ҳам бошлашди. Соёдаги тоқзорлар очиллапти, чек-сиз адирларда галла кўкarmoқда. Яёрабларда туманот қорамол, қўй-қозилар кезиб юрибди.

Бошланган Янги йилнинг ҳам баракали келисин, Қўрлисой!

М. САФАРОВ.

Кўшиқларда НАВРЎЗ ТАРАННУМИ

Талабалар томонидан қўйилган миллийлик руҳдаги саҳна кўринишлари ҳамда миллий кўшиқларимиз ҳаммининг эътиборини ўзига тортиди. Ойбек Бекназаров, Ризолгул Тешабоева, Зилола Уринбоева, Бахтиёр Саитметов, Умид Йўлдошев, Анвар Миржалоловларнинг чиқишлари, Жавлон Акбаров, Хилола Каримова, Илҳом Сохибвларнинг ижро этган кўшиқ ва рақслари талабалар ва ўқитувчилар олқишига сазовор бўлди. Бундай фестиваллар талабаларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дилшод УСМОН, талаба.

Мутахассис нуқтаи назари

Тупроқ табиатнинг ажралмас қисми. Бисофарада кечадиган ҳодисаларни бошқариб турувчи, табиатнинг ўзи қулдига келтирган мўъжизакор кучлар. Унинг мўъжизакор кучига эга эконининг биз хар кунга атроф-муҳитнинг гўзаллигини, ранг-баранглигини кўраемиз.

Энг оғиз номуат — инсондан тортиб, дастурхонимизни беэаб турган турли-туман мейва-чеваларга она заминда етиштирилади. Унинг саховати, мўъжизакор кучи тўғрисида афсоналар тўкилганлиги боиси ҳам она шунда. Тарихий қўлбазмаларда битилишича, янги тутилган чакалоқ қайдаланган тупроқ устига ётқизиляса, у бутун ҳайти довомнда дунёдаги жаммики ёмонликлардан холи бўлар эмиш. «Тупроқ — бутун мавжудотнинг онаси, яхшилик манбаси, болалар бошпанасидир» — бу фикир грек филолософи Гесалонинг қолганига мансуб. Ҳ асрда янаб, ижод қилган бўёқ оқадонимиз Абу Али ибн Сино «Тупроқ — ер юзидоги барча мавжудотларнинг яшаш маконидир», деганида минг бор ҳақ эди.

форма ерларнинг қисқача тавсифидан кўриниб турибдики, бизнинг бу соҳада ишлайдиган мутахассисларимиз, олимпонимиз ва тажрибакор деҳқонларимиз олдидо эа енчиликни кутгаётган муаммолар кўп. Бу, аввалло, ҳар қарч ерни мукамал ўрганишини, унинг бутун сирини билишини, у билан тўғри муносабатда бўлишни талаб қилади. Бунинг учун

(«Почвенная служба») ташкилотли хал қилади. Тупроқ бонитировкаси, кадастри маълумотлари шу ташкилот тавсифиси асосида амалга оширилади.

Айни пайтда республикамизда бу муҳим иш билан Ўзбекистон Ер ресурслари қўмитаси шуғулланади. Бу қўмита том маънода Ўзбекистон тупроқлари, экин

ни босадиган 50 дан ортиқ турли дори-дармонлар тайёрлаш имкони яратилди.

Инфузион ҳаётда эса «Глюгидер» эритмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг замонавий ҳоҳиш қўрилмалар билан жикозланган мазкур ишлаб чиқариш шехнининг фаолияти бир йилда 1 миллион сўм маблағни тўжа қилиш имкони беради.

ДОРИ-ДАРМОН МЎЛ БЎЛАДИ



СУРАТДА: ёш фармацевт Гулбаҳор Бўронова иш устида. Собир ЗУФАРОВ (ўза) олган сураат.

ТАШКИЛОТ

ДУ-20, ДУ-50 мм.

пўлат қувурларни сотади.

Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 41-27-04.

ТУПРОҚ — МЎЪЖИЗАКОР КУЧ

биринчи навбатда тупроқнинг келиб чиқиши, унинг генезиси, ҳосса ва хусусиятларини ўрганадиган, хар бир хўжалик, туман ва ниҳоят, республикамиз тупроғида турғида ҳақиқий тасаввур берадиган, янги тахрирдаги тупроқ харитасини тузиш ва асосий тупроқларнинг хар томонлама кўрсаткичлари билан бонитировка қилиш қила оладиган давлат идораси бўлиши биз, мутахассисларнинг азалий орауимиз эди. Шаҳсан Президентимиз И. Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари қўмитаси ташкил қилинди. Утган даврда қўмита республикамиз ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги билан банд барча сўғориладиган ерларни қайта баҳолашдек, ҳажм жиҳатдан жуда катта ишларни амалга оширди. Бу муҳим ишга республикамизнинг тегишли ўқув, илмий-тадқиқот муассасалари, «Уздаверлохика» институтининг вилоятлардаги бўлиmlари ҳам муносиб ҳисса қўшиди. М. Улугбек номидаги Миллий университет тупроқшунослик ва агрохимё кафедралари ҳодимлари томонидан эса 7 та тумандаги 128 хўжалигининг янги тахлилдига тупроқ харитаси (1:10000 микёс) ва тупроқларнинг янги бонитир баллари аниқлаб берилди.

Эндиги вазифа ана шу ҳужжатлар асосида мавжуд бўлардан унумли фойдаланишдан иборатдир. Бунинг учун хариталар «сирини яъши тушунадиган мутахассислар зарур. Афсуски, кейинги йилларда хўжаликда «тупроқшунос» мутахассислиги шгати қисқариб кетди. Бизнингча, бу камчиликни тузатиш, хар бир хўжаликда тупроқшунос ишлашига эришиш зарур. Чунки тупроқ бонитировкаси ва кадастри — бу оддий иш эмас. Масалан, Европа мамлакатларида, Америка Қўшма Штатларида экин экиладиган ер тақдирини «Тупроқ хизмати»

Л. ТУРСУНОВ,
М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тупроқшунослик кафедраси мудири, профессор.

С. АБДУЛЛАЕВ,
шу университет агрохимё кафедраси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

«НАМАНГАН ЭКСТРАКТ-ЁҒ» ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

2000 йил 29 апрел куни соат 10.00да ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг умумий ййгилиши бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Наманган экстракт-ёғ» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил фаолияти натижалари ҳақида ҳисобот ва 2000 йил вазифалари ҳақида.
2. «Наманган экстракт-ёғ» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб-китоби тўғрисида.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

Акциядорлар вакилларини рўйхатга олиш соат 8.00 да бошланади.

Манзил: Наманган шаҳри, А. Раҳимов кўчаси, 25-уй.
Телефон: 6-47-11, 6-49-91.

«НАМАНГАН ЭКСТРАКТ-ЁҒ» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил молиявий натижалари

Т/Р	КЎРСАТКИЧЛАР	Даромадлар минг сўм	Харажатлар минг сўм
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	2139958	
2	Қўшилган қиймат солиғи		352927
3	Акциз солиғи		891676
4	Сотишдан олинган соф тушум	895355	
5	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи		703603
6	Сотишдан олинган яқли молиявий натижа	191752	
7	Сотиш харажатлари		17263
8	Маъмурий харажатлар		95537
9	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари	78952	
10	Бошқа молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатлар	3469	1586
11	Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	80835	
12	Фойдадан солиқ		24136
13	Бошқа солиқ ва ажратмалар		1204
14	Хисобот давридаги соф фойда	55495	

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Кишининг аёзли кун эди. Ён қўшинимиз, уруш қатнашчиси Иброҳим ота Саидов билан бекатда автобус қутиб турардиқ. Автобус келавермагач, ота ташвишлана бошладилар.

— Касалхонада ётган қуролдош дўстим Матвёубни кўриб келмоқчи-дир, дим. Овқат ҳам совуб қолляпти-да, — дедилар йўлга қўзлари тўрт бўлиб.

— Шошилатган бўлсангиз, енгил машиналарга миниб кетсангиз бўлмайдики...

— Булади-ю, лекин «Дамас»ларнинг хайдовчилари анойилардан эмас. Бепул чиқаришимизни — Йўг-е, хўжжатларингизни — кўрсатсангиз, инсоф қилишар, — дея далда бердим отахонга.

Иброҳим ота тетикланди. Кейин бекатда одам ййиб турган «Дамас» хайдовчисининг ёнига бориб, аҳолини тушунтирди.

— Ота, пулингиз бўлмаса, уйда ўтиринг-да, — отахон умид билан очган машина эшиғи қарсиллаб ёпилди.

Қўпол хайдовчи қўздан йўқолган бўлса-да, ундан қолган ноҳуш таассуротлар хавфдан кетмасди. Наҳотки, 40-50 сўм кекса одамнинг дуои хайридан ҳам азизроқ бўлса, дейман ўзимча.

Аслида хар қандай хусусий ишбилармонлар ва тадбиркорлар аҳолининг муайян қисми учун хизматларни текин ва беминнат қилишлари қўзда тутилган, деб эшитаман. Урганч шаҳрида ва Хоразм вилояти туманларига қатнаб турувчи автобуслар хайдовчилари кексалар ва ногиронлардан хизмат ҳақи сўраб, изза қилишаётгани йўқ. Лекин ўларнинг транспорт воситалари билан маълум йўналишлар бўйича йўловчилар ташиётган хайдовчилар ҳозирча

СУЛТОННО НОДИРМатов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Юз ёшга тўлган бир онан халқда ёган эдим қачонлардир. Узоқ яшаш сирларини сўраганимда, у шундан деган эди: «Авалло, ёратган эгам, қолаверса, чолим икковимиз ёшганимизда бола-равжа яхши тарбия бердик. Илм-хунарли қилдик. Ва қариганда улардан азият эмас, меҳр-оқибат, эъзоз қурдик. Қунда-қунора ҳали унис егулик бир нараса қутариб келаётган, ҳали буниси ноёб доридармонлар топиб келмаётган, хол-ахволимизни сўраб, ширин-ширин гапирмаётган... Айниқса, уларнинг эл-юрт ўртасидаги обрў-эътибори, бизга олиб бераётган раҳматлари бошимизни осмонларга етказди...»

Она хоннинг фарзандлари машҳур одамлар эди. Ёратган Бирни тиббиёт фанлари доктори, юзлаб шогирдларга мураббий, бири доридармон, яна бири халқ маорифи аълочи ва ҳоказо... Ва мен ҳам «Мана шу машҳур кишиларни қандай оқибат тарбиялади экан-а?» деган савол билан онанонин излаб топган эдим. Не-не фарзандларни кўраймиз. Кексаяган ота-онанини интизор қилиб, иккита нон билан хабар олиш хавлига келмаган фарзандлар. Ота-онанасига қаттиқ гапириб, ё ичиб келиб, дилини вайрон қилган фарзандлар. Ва ниҳоят, она-Ватанига тош отишга бориб етган «фарзандлар». Бундай фарзандларни кимлар «тарбиялади»? Албатта, биринчи навбатда ота-оналар!

Яхшилаб ўйлаб қарасак, биз «Болаимиз эсон-омон туғилса, бас, думалаб-сумалаб катта бўлиб кетади» деган ҳаёлда юрамиз. Ахир, туғишни ҳайвон ҳам билади. Сиз бирор халқнинг қачонки кўзларига диққат билан қараган-чи? Унинг ҳам сизнинг кўз қорачиғингизга терминлар турганини кўрасиз. Астагина пешонасини силанг-чи, болакнинг жажжиги фидога чеҳрасида мамнуният ифодаси шуьлаланади. Нега ҳар кун, ҳар кун болаимизнинг кўзларига ахшилаб қараймиз, гўр қадамларини ҳар кун кузатаймиз? Унга ҳар кун меҳр, ҳар кун тарбия зарурлигини ҳис этмаймиз?

Эси киргани сайин ҳар қандамда ахлқ-одоб сирларини эринмай ўргатиб борсак, қўлга китоб туқтисак, биргалишиб ўқисак, қизиқирсак, рўзгор юмушларини

Майнавиятимиз сарчашмалари

бирма-бир қулоғига қуйиб, ўргатиб, ўз вақтида адо этишни талаб қилсак, ўзимиз ўрнак бўлсак...

Мактабга борганида ҳар кун камидан бир соат ёнида ўтириб, дарсларини назорат қилсак, бундай вақтлар қандай ўтганини, қимлар билан ўйнаганини сўрасак, маслаҳат берсак, болаимиз ёмон бўлмайди. Биринчидан, муқим бир жойда ўтириб, дарс тайёрлашни ўрганади. Қолаверса, сиз ҳар кун назорат қилиб, ҳар бир кунини қандай ўтказганига қизиқиб борсангиз — шунга

ю, китобини сўрайди. «Ўқиб беринг», дейди ёнимга келиб. Икки ёшга тўлганида ҳамма расмлар номини ўзи айтади, бу компьютер, бу телевизор, бу КамАЗ, дейдиган бўлди. Ҳозир у икки яшим ёшда, лекин математика китоби қайси-ю, «Алифбе» қайси — барисини ажрата олади. Бекмирза бобосининг изидан қолмай, ҳовлида, томорқада ишлатиладиган асбоб-ускуналар номини сўраб, билиб олди. Демокчманки, болага ўргатиш керак экан.

Бир пайтлар топширик билан Самарқандга борганим, туман раҳбарларидан бири ҳақида ёза олганим ҳамон ёдимда. У жуда чиройли, ёши қирқларда, дид билан кийинган, кўрганга ҳавасинг келадиган аёл эди. Мафкура ишлари бўйича қотиба бўлган бу аёл билан кун бўйи бирга юриб, ишчанлик санъатини кўрдим. Атрофдагилар ҳам у ҳақда яхши фикр айтишди. Бариб, юрагим ҳам у ҳақда биламан, дегандай... Кейин болаимиз хато қилиб қўйса, ё ёмон ўқиса, бақиршишга ё жазолашга тушамиз. Ёни-муштага ўтказиб, секин-аста тушунтираймиз.

МАШҲУР АЁЛ ЭМАС, МАШҲУР ОНА БЎЛСАК...

Бир одил подшоҳ элнинг хол-ахволини билиш учун юрт айланиб юриб, қир-адирда бир чўпон ўсириб ўглини кам-чи билан савалаётгани устидан чиқиб қолди. Подшоҳ боланинг гуноҳини сўрабди. «Э, кўрмайсизми, подшоҳим, гапимга кирмайди, қўйларга яхши қарамайди», деб шикоят қилибди ота. Подшоҳ кам-чинини унинг қўлидан олибди-ю, шу фарзандни сен тарбиялагансан, деб чўпоннинг ўзини савалади қотибди.

Мен пенсияга чиқиб, энди-инда вақт топиб, Кува туманида яшовчи кенжа набирам Маҳмаддон бир ярим ёш вақтида унинг қўлига «Алифбе»ни ўргатаман» китобини туқтадим. Китобдаги расмларнинг номини бирма-бир айтиб бердим, у тақорлади. Биласизми, бу машҳадмай унинг қўлида «юмушча» айланди. Эрта билан уйғонади-

Уйда бўйларни етук, сўсурдай йиғит билан қўш-қўзлари поғудек қизни кўриб, хурсанд бўдим. Бирни институт, бири мактабнинг юкори синфида ўқиркан. Дадларни ҳали ишдан қайтмаган. Йиғит ҳам, қиз ҳам мен билан саломлашган, яна тўппа-тўғри ҳар қайсиси ўз хонасига кириб кетишди. Чиқиб қолшар, дедим, йўқ чиқмади. Фалати манзара. Ахир, она ишдан чарчаб келди-ку, Боз устид, ёнида меҳмонни бор.

Меҳмонхонага кирганимизда, менга ҳаво етишмай қолди. Чанг ва нафталин ҳиди уйга унган қолган. Девордаги гиламлар ҳеч қачон тозаланмагани учун гунгурт тусга кирган. Жавонларнинг раҳлари чанг.

Аёл эгнига рангсиз бир халат кийиб, ошхонага ўтди. Ортдан босдим, «Кўйинг, ош оқатга овора бўлманг», дедим-у, тилимин тийиб туролмай, «Нега болаларингиз қарашмайди, сизга?» деб

сўрадим. «Хай, энди улар дарс қила қолишин», деди у пинагини бузмай. Ёшлар хонасидан эса тушуниб бўлмайдиган шўх куй-қўшиқ эшитилиб турарди.

Ошхона! Бу ерда аёл йўқлиб, қўллари кир идишларга чиппа ёғишиб қолаётганига аччиқдим.

Мезбон чой дамлаб, дастурхон ёзиб, мени меҳмонхонага ўтказиб қўйди. Лекин ис босган деворлар, анчадан бери қовилмаган чойнак-пивёларлар иштасамми бўлди. Ховлига чиқдим. Ховлига яқин ўртада сўпуриг темаган. Йиғитирилмаган. Дарахлар буталмаган.

Уйнинг бош эгаси кеч хуртонда келди. У ҳам мен билан сўрашган, ўз хонасига кириб кетди. Тамом. — Хай, эрингизга қараган, овокларини беринг! — дедим аёлга.

— Ха-а, у киши доим тўқ келадиган кўчадан, — беярволик билан жавоб берди у. — Бу уй у кишига

Тўшнарли. Уйда мазали таом, халоват, меҳр кўрмаган эр қарларидан овок-лангиб келишга мажбур.

Юрагим бирдан тўз сепилдек ачишиб кетди. Майли, биз, оналар ишлайлик. Меҳнат майдонига жаллон урайлик. Лекин эр, оила, фарзанди бирон кун, бирон дақиқа унутишга ҳаққимиз йўқ. Бизнинг пешонасини яқриратадиган, аёл, она эканлигимизга қаллоқ берадиганлар ҳам эр билан фарзанд-ку?

Болаимиз дунёга келган муборак тонгда унинг янгор ингасини эшитган эр бахтиёр чўларда дилимизга, онг-шўрумизга, орзуларимиз, режаларимиз дебоҳасига уларнинг тарбияси, одоби, бахтли келажаги ҳақидаги муқаддас бурчини муҳраб қўймоғимиз ва шунга қатъий амал қилмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Бу муқаддас бурчини бирон кун унутган она ўзини, ўзларини, Ватанини келажагини унутган бўлади.

Бойлик тўппаб, уйлар қўриб қўйсак-у, ишлаб, обрў олсанг-у, болаимизга шунга яраша билим-тарбия беролмасак, бир кун, Оллоҳ асрасин, пешонаимизга бир уриб қолаверамиз. Бундай холатга ҳеч ким тушмасин.

Сонъат МАҲМУДОВА.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

давлт солиқ хизмати органлари ходимлари учун янги либос ишланмалари учун танлов эълон қилади.

Танловда исталган мулкчилик шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар маълумотлар ва танлов шартлари бўйича эълон чоп этилган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қўйидаги манзилга мурожаат этишларини сўраймиз: Тошкент, Муқимий кўчаси, 166-уй. 218-хона, телефонлар: 173-35-65, 173-34-47 ва 144-98-25. Танловда иштирок этиш истаги билдирилган мурожаатлар оқоридаги манзилда 2000 йилнинг 20 апрелигача қабул қилинади.

Танлов 1-ўрин учун 300 минг сўм, голибига: 2-ўрин учун 200 минг сўм ҳажмида мукофот берилади.

ТАХТАДАГИ ОЛИШУВ

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ болалар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон ҳамда қитъа биринчиликлари ўтказишни мунтазам амалга ошириб келаятган экан, бизнинг республикамизда ҳам ҳар йили бу тадбир ўта уюшқоқлик тарзида ташкиллаштирилади. Ҳар йили йиллар орасида голиб чиқарилган нурфузи мусобақаларда дона суриб, қитъа ва хатто жаҳон чемпион унвонига сазовор бўлганлари бор.

Яқинда ниҳоясига етган республика болалар ва ўсмирлар биринчилигида 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 207 нафар истеъодли ёш ўзларо бахс юритиб, оралиридан энг кучлиларини аниқлаб олди.

Тошкентдаги «Олимпия» меҳмонхонасининг катта залига қўйилган 100 дан ортқ шахмат тахтасида бошланган беллашувлар 9 кун давом этди. Иштирокчиларнинг асарияти анча малакали эканлиги тўғриси бахслар да деганда поёнига етди.

18 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида спорт усталига қўйилган Леонид Казак, 16 ёшлар ичиде Донёр Хусниддинов, 16 ёшгача бўлганлар тоифасида ФИДЕ устаси Антон Филипов, 12 ёшгача бўлганлар орасида Жўра

бек Ҳамроқуллов ва ниҳоят, 10 ёшлар ичиде Акмал Хусанбоев голиб чиқди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса голибчи Осиё чемпиони, наманганлик Ольга Сон, Елена Лёвүшкина, қироқчилик Сарвиноз Ёрғашева, Олдуз Ҳамроқуллова ва Нодира Нодиржоноваларга насиб этди.

Хабарингиз бор, ўтган йили Испанияда ўтказилган болалар жаҳон биринчилигида муваффақиятли дона сурган жижзахлик Юлдуз Ҳамроқуллова билан қироқчилик Нодира Нодиржоновалар Президентимизнинг совгалари билан тақдирланган эдилар. Бунга жавабан истеъодли қизлоқлар олдин республика аёллар чемпионатида, кейинчалик эса қизлар бахсларида ўзларини қўриб турибдилар. Ажаб эмас, айни шулар келгусида жаҳон шахмат маликалиги учун кураш майдонига йўл олсалар.

Биринчилик голибларига республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ва «Камолот» жамғармалари тасвис этган қўиматбах совгалар топширилди.

Мамажон МУҲИДИНОВ.

Халқаро семинар

Тошкент шаҳрида Марказий Осиёда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. БМТнинг ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда Марказий Осиё республикалари, АҚШ, Буюк Британия, Чехия, Польша, Россия давлатларидан тақлиф этилган вакиллар ҳамда бир неча халқаро ташкилотларнинг мутахассислари қатнашди.

Халқаро террорчилик ҳаракатлари, гибҳанд моддалар контрабандаси ва транзити, катта миқдордаги қурол-яроғлар савдо-сотиғи ҳамда ўзга давлатлар чегарасини бузиш каби ҳолатлар дунё халқларини ташвишга солимоқда.

Инсоният ҳаётига жиддий хавф туғдирувчи бу иллатларга қарши курашишда давлатларнинг ҳам-жиҳатлиқ ишлашлари талаб этилади. Айтиш керакки, бундай ҳамкорликларнинг давом этиришида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, амалдаги қонунлар, меърий ҳужжатлар давлатлар ўртасида унчалик мос келмайти. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда келгуси ишларни давом эттириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарнинг сўнгги кунда мутбуот конференцияси ҳам ўтказилиб, журналистларнинг қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Эркин МАВЛОНОВ.

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси Мирзоулғбек Элчиёвни Абдусаломовга падари бузруквори

ЭЛЧИВОН ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биокимё институти маъмурияти, қасаба уюшмаси қўмитаси, жамоаси лаборатория мудири, биология фанлари доктори Фаффор Ҳожиаҳмедовга падари бузруквори

ҲОЖИАҲМЭД ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Хусан Меҳмоновга падари бузруквори

ФУЛОМНАЗАР ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

«Ушаррандасанов» давлат акционерлик уюшмаси маъмурияти Андижон вилояти паррандчилик бирлашмасининг собиқ раиси

Абдурашид **ИСМОЙЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этилади.

«Хўжалик ва ҳуқуқ» — «Хўжайство и право» журналі жамоаси республика Олий ҳўжалик судининг раиси Мирзоулғбек Элчиёвни Абдусаломовга отаси

ЭЛЧИВОН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси университетнинг собиқ профессори, иқтисод фанлари доктори

ШУКУРБАЕ НОСИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 28 мартдан бошлаб ҳисоб ва божсана тўловлари учун ҳозирги валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қўиматини белгилади: %

1 Австралия доллари	89,32	10 Люксембург франки	35,46
1 Австрия шиллинги	10,40	1 Малайзия рингити	38,73
1 Англин фунт стерлинги	233,69	1 Германия маркаси	73,15
10 Бельгия франки	35,46	1 Польша злотийси	36,43
1 Голландия гульдени	64,92	1 СДР	197,07
10 Греция драхмаси	4,29	1000 Туркия лираси	0,25
1 Дания кронаси	18,21	1 Финляндия маркаси	24,06
1 БАА дирхами	40,06	1 Франция франки	21,81
1 АҚШ доллари	147,15	1 Швейцария франки	89,49
1 Миср фунти	43,05	1 ЕВРО	143,06
10 Испания песети	8,60	10 Жаңубий Корея воңи	1,33
100 Италия лираси	7,39	10 Япония иенаси	13,72
1 Канада доллари	100,28	1 Россия рубли	5,19
1 Хитой юани	17,77	1 Украина гривнаси	27,03

*/ Валюта қўиматини белгилаш ҳолида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажур валюталарни ушбу қўиматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.



Наврўз байрами арафасида пойтахтимиздаги Аброр Ҳидоятнов номида Ўзбек давлат театрида грузин драматурги Аквосентия Цагарелининг кўнчилик санъат илосмандларига таниш бўлган «Хонима» пьесаси асосида тайёрланган «Ассалому алайкум, қизлар» номида янги спектакли намойиш этилди.

Мажур спектаклни танқил режиссёр Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган. Ассий ролларни артистлар — Афзал Рафиков, Азиза Бегматова, Дано Бобоқонова, Гулбаҳор Раҳимова, Раъно Зокирова, Сайри Мелиев икром этишган. Асарни томоша қилар экансиз, бастакор Фарҳод Алимов мусикаси ва рассом Шўхрат Абдумаликов томонидан сайқал берилган бетактор сахна кифаси ҳам сизни ром этиши, шўбҳасиз.

Спектаклнинг илк намойиши томошабинларда катта таассурот қолдирди.

СУРАТДА: спектаклдан лавҳа.

Дилшод ЮСУПОВ (Ў.А) олган сурат.

Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!

Барча жиҳозларга нархларнинг 10% дан 30% гача арзонлаштирилганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ.

Кафолатлар сақланади

ҚЎРИҚЛАШ-ЕНГИНДАН САҚЛАШ ПАНЕЛЛАРИ	МОНИТОРЛАР
ТВ-камералар	МЕТАЛЛ ДЕТЕКТОРЛАРИ
ҚЎРИҚЛАШ ДАТЧИКЛАРИ	ВА БОШҚА АСБОБЛАР.

Philips Communication & Security Systems

СILENT WITNESS

FERMAX

Тошкент ш., Қўшбўғи к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс 50-03-61

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2000 йил учун аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади:

АСПИРАНТУРАГА
ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

- иқтисодий назария;
- молия, пул муомаласи ва кредит;
- бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

ДОКТОРАНТУРАГА
• молия, пул муомаласи ва кредит

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати шу йил 1 майгача

Маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент, 700000, Яқуб Колас кўчаси, 16, тел.: 68-54-77, 68-48-07

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒЎЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Манабият ва маърифат — 136-35-60;
Халқлар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва харбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 196,
27017 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табақ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар **С. ЛУКИН** ва **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Набатчи муҳаррир — **И. ЎТБОСАРОВ.**
Набатчи — **А. ҲАЙДАРОВ.**
Мусаҳҳах — **Ш. МАШРАББЕКОВ.**

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топишилади — 22.10
1 2 3 4 5 6